

• ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН...

ҚАЙСИ ТЕХНИКА МАЪҚУЛ?

Фарғона вилоятидаги мавжуд қишлоқ хўжалик техникаларининг 61 фоизи ёки 8 мингдан зиёди эскирган ва ишлатиш муддати ўтган



Деҳқоннинг қўш қаноти деб нисбат берилган ҳайдов, чопиқ, транспорт тракторларининг армиядан кўпрогини хўжаликларда бир эвни қилиб ишлатиб туришибди. Агар иш шундай давом этаверса, хўжаликлардаги бутунги аҳвол ўнгилашармикан? Ўзингиз ўйлаб кўринг. Сўнги уч йил ичида вилоят бўйича бор-йўли 87 та ҳайдов трактори, 10 та ўзи юрар комбайн, 10 та пахта териш машинаси, 117 та транспорт трактори сотиб олинди, холос. Вилоятдаги 200 та яқин турли даражадаги мулк шаклига эга бўлган хўжаликлар борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг техника билан таъминланиши қай аҳволда эканлиги кўз олдидан кетмади.

Деҳқоннинг қўш қаноти деб нисбат берилган ҳайдов, чопиқ, транспорт тракторларининг армиядан кўпрогини хўжаликларда бир эвни қилиб ишлатиб туришибди. Агар иш шундай давом этаверса, хўжаликлардаги бутунги аҳвол ўнгилашармикан? Ўзингиз ўйлаб кўринг. Сўнги уч йил ичида вилоят бўйича бор-йўли 87 та ҳайдов трактори, 10 та ўзи юрар комбайн, 10 та пахта териш машинаси, 117 та транспорт трактори сотиб олинди, холос. Вилоятдаги 200 та яқин турли даражадаги мулк шаклига эга бўлган хўжаликлар борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг техника билан таъминланиши қай аҳволда эканлиги кўз олдидан кетмади.

Хўжаликлардаги бу муаммони ҳал этиш мақсадида икки йил аввал Тошқоқ ва Бўғоқ туманлари техника таъминоти ва таъмирлаш бирлашмалари базасида машина-трактор парклари (МТП) ташкил этилган. Янги жамланган мақсади -- хўжаликлардаги бор техника воситаларини ягона кўл остига бирлаштириш, самарали фойдаланиш, энг муҳими ёниги-мойлаш ашёлари устидан назоратни кучайтириш эди. Ўзбекистон, Бешариқ ва Фуқрат туманларидаги бирлашмалар ҳам 1996 йили шу янги иш усулига ўтиди. Жамлама ва хўжаликлардан 332 та ҳайдов трактори, 180 та галла комбайни, 184 та пахта териш машинаси, жами 166 минг сўмлик техника воситаларини ижарга олди. Хўжаликлар машина-трактор парклари билан ўзаро шартнома асосида иш бошлади.

Республика ҳукумати

БИРЖА САВДОСИ ҚИЗГИН

Республика кўчмас мулк биржасининг Қорақалпоғистон бўлимида йилнинг биринчи чорағи учун белгиланган режа икки ойдан камроқ вақтда бажарилди. 18 кишилик биржа жамоаси йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида жами 7 миллион 875 минг сўмлик савдо ишларини амалга оширишни режалаштирган эди. Январь -- февраль ойларидаёқ биржада 15 марта «Ким ошди» ва биржа савдолари ўтказилиб, уларда дастлабки баҳос 8 миллион 375 минг сўм бўлган кўчмас мулклар 11 миллион 273 минг сўмлик якуний баҳога сотилди.

Х. АБДУСОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

сақлаб қолинган. Трактор парклари хўжаликларга хизмат кўрсатгач, улар зиммасидаги қўшимча солиқ қиймати ҳам харажатларга қўшиб ҳисобланади. Қараб-сизки, хўжаликлар бажарилган иш учун машина-трактор паркларига ҳақ тўлаётганда айнан шу масалада тортишув бўлмоқда. Яна бир муаммо: хўжаликларнинг қийин молиявий аҳволини ҳисобга олиб, экин экиш ва ҳосилни йиғиштириб олиш пайтида олдидан пул тўламасдан қарзга ёниги олишига рухсат берилди, лекин машина-трактор парклари бу имтиёздан ҳам фойдаланиш хуқуқига эга эмас.

Бу масаланинг бир томони. Кўпчилигини ташвишга солаётган яна бир муаммо борки, у ҳанузгача ечимини топгани йўқ. Олайлик, вилоят хўжаликлариди 700 талдан ортиқ «Нива» ва «Енисей» мавжуд. Йилдан-йилга эскириб бораётган бу комбайнларга хўжаликларнинг миллионлаб маблағи сарфланмоқда. Лекин уларнинг иш умумдорлиги келсак... Биргина мисол: вилоятда ерлар асосан «Т-4» ҳайдов тракторларида шугорланади. Ҳар йили вилоят бўйича ишга 1600 тагача трактор сарфарб этилади. Шу ўринда ўтган йили вилоятдаги мавжуд «Магнум» ҳайдов тракторлари билан ўртача 874 гектардан, «Т-4» тракторлари билан эса 111 гектардан ер ҳайдалганини эслаб ўтмоқчимиз. Солиштириб кўринг-а, янги тракторнинг иш умумдорлиги деярли 8 баробар ортиқ. Бошқача қилиб айтганда, хўжаликлар ва машина трактор парклариди қаторлашиб ётган ҳайдов тракторлари ўринини бор-йўли 257 та «Магнум» трактори боса олар экан. Табиийки, эски тракторлардан иқтисод қилиб қолинган экинли, иш ҳақи, амортизация харажатларини тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб чиққанга йўқ. Агар уларни ҳам муқоёса қиладиган бўлсак, деҳқонга ҳақиқий қўшқанот бўладиган техника воситаси қай бири эканлиги ойдинлашади.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.



Бўз туманидаги Манноб Жалолов номидаги ширкатлар бирлашмасининг чорвачилик ширкат жамоаси бу йил эл дастур-хонига 375 тонна сўт, 65 тонна гўшт ва 50 минг дона туҳум етказиб беришмоқчи.

Ҳозирги кунда ширкатда 600 бош қорамол, 650 бошга яқин қўй, 500 та парранда боқилмоқда. Йил охиригача ҳар бир соғин сигирдан 2500 литрдан сўт соғиб олиш режалаштирилган.

СҮРАТЛАРДА: (чапдан) сўт соғувчилар Турсуноя Қобулова, Ёқутхон Ҳабибуллоева, Моҳидил Шарипова;

Махпиратхон Мўминова ўзига қарашли 16 бош соғин сигирининг ҳар биридан кунига 7-8 литрдан сўт соғиб олади.

Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

МАРКАЗ ДЎСТЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Наманганда Қирғиз маданияти маркази ташкил этилди. Қирғиз миллатига мансуб 20 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган вилоятда бу жуда муҳим воқеадир. -- Халқларимиз қондошқариндош бўлиб, уларни жуда кўп нарсани бирлаштиради, -- дейди марказ раиси Махфизат Истамқулова. -- Марказ ўзбеклар билан қирғизлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, ўзбек дидарида ҳам қирғизларнинг ўзига хос хусусиятларини намоян этиш имконини беради. Марказда қирғиз тилини ўрганиш бўйича курслар очили мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, бу ерда миллий байрамлар, халқимизга хос саналар нишонланади. Дастлабки тадбиримиз -- иккала халқнинг ҳам умумий байрами -- Наврўзни нишонлаш бўлди.

(ЎЗА).

ШИФОКОРЛАР КЕНГАШИ

Тошкентда Марказий Осиё мамлакатларининг «Эмлаш дастури ва эмлаш сиёсатидаги ислохотлар» мавзусидаги минтақавий семинари бўлиб ўтди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу анжумани Американинг халқаро тараққиёт агентлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда уюштирди. Семинарда Марказий Осиё ва Россиядан келган олимлар ва мутахассислар, шунингдек, маҳаллий ва халқаро экспертлар қатнашди. Кейинги икки йил мобайнида мамлакатимизда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда юқумли касалликларга қарши кураш ва эмлашга доир бир қанча самарали тадбирлар ўтказилди. Бу борада 1998-2000 йилларга мўлжалланган махсус дастур қабул қилинди. Анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари учун мўлжалланган энг қулай ва арзон профилактика эмлаш дастурини тузиш ва уни амалиётга татибқ этиш, бу соҳадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш масалалари муҳокама этилди. Шол касаллигига барҳам бериш, бўғма, кўкйўтал, қизамик сингари юқумли касалликларга чалинишининг олдини олиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

(ЎЗА).

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тошкентда Ўзбекистон Ногиронлар жамияти марказий бошқарувининг ўтган йилги иш якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган пленуми бўлди.

Уни маъмур жамият раиси С. Убайдуллаев очди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий, ҳуқуқий ва тиббий жиҳатдан муҳофаза қилиш тўғрисида алоҳида гавҳурлик қилинаётганини таъкидлади. Ногиронларнинг ижтимоий ҳаётида баҳоликдурат иштирок этиши, уларнинг билим ва малака олиши учун барча шароитлар яратилган. Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган 1997 йилда бу имтиёздан янада мустаҳкамланади. Пленумда ногиронлар жамияти фаолиятини янада яхшилаш, ишда йўл қўйилган хато ва камчиликларга тезда барҳам бериш чора-тадбирлари белгиланди.

(ЎЗА).

ЭРТАМИЗ ЭЛЧИЛАРИ ТАРИХИНГ ДИР МИНГ АСРЛАР...

1966-70 йиллар эди. Ўзбекистоннинг қатор олий ўқув юртиларида, шу жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетиди ҳам чет эллик талабалар ўқишарди. Уларнинг кўпчилиги асосан Куба ҳамда Вьетнамдан келган бўлиб, биз уларга ҳавас билан боқардик. Москвада ўқийдиган юртдошларимизни-ку кўяверинг. Ушанда вақти келиб, ўзбек йигит-қизларининг ҳам чет элда таълим олиши етти уқлаб тушимизга кирмаганиди.

Бугун эса ҳаётимизда эркинлик, ҳурлик ва озолик устувор. Олти йилки, ЎЗБЕК, ЎЗБЕКИСТОН деган ном дунё бўйлаб кезиб юрибди. Бир пайтлар ўзининг билими, ақл-заковати билан олам аҳлига танилган Мусо ал-Хоразмий, Имом ал-Бухорий, ибн Сино, Беруний, Аҳмад Ясавий, Нақмиддин Кубронинг эвара-чеваралари дунёнинг турли мамлакатларида ўқишарди. «От изини той босар» деганлари шу-да. Юртбошимизнинг 1997 йил 8 январда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони ана шу йўлдаги амалий ишлардан бири бўлди. Мазкур фармон иқтисодий ёшларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасидаги илгор билимлар асосида таҳсил олишлари, баркамол инсон ва юксак маънавият, юқори малакали мутахассис бўлиб етишишлари гаровидир. Чунки илму фан, маърифату маданият асрлар давомида инсоният оламини сўнмас машаъл бўлиб ёришиб келган. Мустақиллик шарофати билан бу машаъл янада ёрқинроқ порлаб, Шарқ мамлакатлари, Шарқ фалсафаси, Шарқ мўъжизаси жаҳон цивилизациясининг бугунги тараққиётига муносиб улуш қўшишга шайланмоқда.

Йилгача, магистратура -- аспирантурага тенг келадиган таълим 2 йилгача, тажриба орттириш -- ёш мутахассисларнинг танлаган касби бўйича малакасини ошириш ва жаҳон меъёрлари даражасида тажриба ўрганиш 1 йилгача белгиланди. Жамғарма бошқарувининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган навбатдаги йўналишида 1997-1998 ўқув йилига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Танлов асосида икки юз нафардан зиёд ёшлар саралаб олинди, улар 1997-1998 ўқув йилидан АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япониянинг энг йирик олий ўқув юртиларида машғулотларни бошлайдилар. «Қизил» инқилобга Ўзбекистонда маҳаллий халқнинг фақат икки фоизигина саволи эди, деб бир замонлар дунёга жар солган «Башоратчилар» бугун шу халқ унинг ўғил-қизлари Лондон, Оксфорд, Токио университетларида таҳсил олишини эшитиб, қай аҳволга тушини тасаввур қилаялман. Оққан дарё вақтинча тўхтаб қолиши, ўзанини ўзгартириши мумкин, лекин ҳеч вақт бутунлай қуриб қолмайди. Биз ҳам оқар дарё -- донишманд ва мутафаккирлар авлодидан эдик, бугун яна тулиб-тошиб, ҳайқириб йўлимизда учраган ҳас-хашақларни фарқ этиб оқмоқдамиз.

Беихтиёр Эркин аканинг куйидаги мисралари яна ёдга келади:

Ал Беруний, Ал Хоразмий, Ал Фаробий авлодидан, Асли насли балки Ўзук, Балки Тархон, ўзбегим. Бобурийлар авлодидан бўлган Ҳумоюн ўлими олдидадиган Угли Акбарга шундай деб васият қилган экан: «Атрофининг фақат ақли, қобилиятли ва истеъдодлиларни тулла. Чунки ҳеч бир нарсга юртга ўзи тарбиялаб, воёга етказган истеъдоддан ортиқ манфаат еткази олма».

Кўз ўнгимада фақат пахта билан эмас, оқил ва доно фарзандлари билан ҳам жаҳон остонасидан хатлаётган Ўзбекистон пайдо бўла бошлади. Эҳтимол, ордан беш йил ўтар, ун йил ўтар, лекин қадим Туроннинг қадим доғури, шақшубасиз тиклангай. Уни, биринчи навбатда, мустақил Ўзбекистон умид боғлаётган ёшлар амалга оширадилар. Энг асосийси, бу кўтулг иш бошида шахсан юртбошимизнинг ўзи жон қуйдириб турибди.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАШКИЛОТ руҳ аралаш пўлатдан тайёрланган ПРОФНАСТИЛ (ТУШАМА-ТУНУКА) СОТАДИ. Қалинлиги - 0,7-0,8 мм. НОВА(ГОФРА)БАЛАНДЛИГИ - 35, 57, 75 мм. Телефон: (3712) 41-41-77. Узунлиги - харидор хоҳиши бўйича. Нархи бозор баҳосидан анча арзон. (3712) 41-54-90.

ГЕРМАНИЯДА ТАЙЁРЛАНГАН ЮҚОРИ СИФАТЛИ ТИББИЁТ ТОВАРЛАРИ ПУЛ УТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ. ШАХСИЙ КИСЛОРОД БАЛЛОНЧАСИ. Афзалликлар: икчам (баллончининг ҳажми 3-4 та кислород ёстиқчасининг ўрини босади); бир неча марта кислород билан тўлдириб мумкин; кафолатли хизмат кўрсатиш назарда тутилган. РАҚАМЛИ ЭЛЕКТРОН ТЕРМОМЕТР. Афзалликлар: эҳтарли симобсиз йўқ; корпуси пластмассадан, синмайди; товушли индикатор. Улчанидиган исониклик даражаси: 32,0°-43,0°. Улчаш аниқлиги: ±0,1. Улчашга кетадиган вақт, сони: 30-60. Габарит улчани: 0,8x1,8x14. Вазни, грамм: 11. Тел.: (3712) 64-15-94, 61-20-67, 61-21-37. Факс: (3712) 64-38-91.

1997 йил 25,27 ва 28 март кунлари ўтказилган Давлат қисқа мuddатли облигацияларининг иккиламчи савдолари тўғрисидаги расмий ҳисобот

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 21010UMFS, 21011UMFS, 21012UMFS, 21013UMFS, ва 22001UMFS чиқарилишидаги Давлат қисқа мuddатли облигациялари бўйича Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1997 йил 25,27 ва 28 март кунлари ўтказилган савдолар натижаларини эълон қилади. Давлат қисқа мuddатли облигацияларининг эмитенти -- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда 22001UMFS чиқарилишидаги олти ойлик давлат қисқа мuddатли облигацияларини 328882 дона ҳажмида қўшимча равишда жойлаштирди.

Table with columns: Савдо ўтказилган кун, Рўйхат рақами, Тулов кун, Муомалада бўлиш мuddати, Номинал қиймати (сўм), Ҳажми (дола), Ҳажми (сўм), Битимлар баҳоси* (энг сунги, минимал, максимал), Тавабномлар баҳоси* (инимал, максимал, ҳарби), Ёниши баҳослари* (Сотиш, сотиб олиш).

Ўзбекистон оммавий аборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-саноий фонди Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг собиқ қотиби, «Хоразм ҳақиқати», «Хоразмча парнас» газеталарининг бош муҳаррири Ўстади Исҳоқовнинг оғли...

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Таълим-таъминот бош бўлимидаги жамоатари Аҳмад Икромов туманидаги 455-бонданчи таълим-тарбия маркази раҳбари...



• ЯРМИ ҲАЗИЛ...

ЭРТАГА — ИККИНЧИ АПРЕЛЬ

КЎП ҚИСМЛИ РЕПОРТАЖ-ФИЛЬМ

БОШЛАОВЧИ: Хурматли томоша-билар! Аввало Сизларни кўп қисмли янги фильмнинг дастлабки премьераси билан табриклаймиз.

Яратилари мумкин. Ўрганмаса ўзларига қийин. Қадрли томошабилар! Эйтиборингизга ҳавола этилаётган ушбу фильмнинг дастлабки қисми бугун эрта тонгда ноқ сурага олинган.

Улар харидорларни кўришлари билан қўллари кўксига саломга шай туришибди. Бу бетакрор лавҳаларни экранда кўриб, хурсанд бўлаётганингизни сезиб турибмиз.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Ҳали куёш чиқишига анча бор. Лекин тонгда ноқ пойтахт кўчалари, мавзелари, гузар ва маҳаллалари янада кўркамлашиб, янада чирой очмоқда.

Экранда аста-секин намойиш бўлаётган кўчалар, мавзелар, маҳаллаларни кўриб бахри дилингиз янада очилади.

Яккасарой, Ҳамза туманларининг кўпгина маҳаллаларида, мавзеларида ҳам кўриб кўзингиз қувонади, дилингиз яйрайди.



Ҳ. СОДИҚОВ чизган сурат.

ҳафталаб, ойлаб уюм-уюм бўлиб ётадиган ахлат тепалардан ном-нишон йўқ. Бир кечада шунча ахлат қаёққа кетганига ҳайронмиз?

ИККИНЧИ ҚИСМ

Дастлаб экранда Чорсу бозори кўринишлари намойиш бўла бошлайди. Бу кун-кеча сиз кўрган тартибсиз бозор эмас.

УЧИНЧИ ҚИСМ

Фильмнинг учинчи қисми тўли манзаралари билан бошланади.

БОШЛАОВЧИ: Қадрли тўли мухлислари! Дунёда ўзбек халқидай тўли қиладиган, тўлини жон-гани билан севадиган халқ асло учрамайди.

Янги биламизки, тўлиларимиз санъаткорсиз ўтмайди. Сўнгги йилларда пойтахтда бўлаётган тўлиларда таниқли санъаткорлар бирров тўйга кириб, бир жуфт қўшиқ билан табриклар кетишни одат қилишган.

Айни тўли сахнасида машҳур хонанда Юлдуз Усмонова ёниб қуйлапти. Лекин у турли томонлардан узатилаётган пулга ҳам, долларга ҳам асло парво қилаётгани йўқ.

қадамлар билан микрофонга яқинлашиб келди. Ва ниҳоят забардаст қўллари билан микрофонни ушлаб, шундай деди: «Ўртоқлар, Юлдузхоннинг бу ишидан асло ажабланманг.

АФАНДИГА ҲАЙКАЛ КЕРАКМИ?

Буюк мўъжиза -- Наврўз, истиқлол ва тараққиёт йўлининг ёритиб, тинч ва осойишта кўнрагини шарофлаб, туганмас кўшиқ бўлиб хар бир хонадонга, маҳаллаарга -- келажак буюк элмизга ташриф буюриб водий ва воҳаларни кезмоқда.

Қақроқ ерни ёриб чиқиб, қаттиқ ердан юмааб, юмшоқ ердан таталаб чиққан бой-чечак -- одамларга оламнинг яшаришидан, янгилинишидан, яшиланишидан дарақ бериб, кулги-ю табассумни, қаҳ-қаҳани биздан ўрганиб, дейётгандек...

Шундай лаҳзаларда беҳиётиёр, кулгу сўзини гудан, яъни «гул-кудан» олинмаганмикан, деб ҳайратга тушаман.

Обиджоннинг оташин сўзларини яна бир машҳур қизиқчи Хожибой Тожибоев ҳам тасдиқлади.

У ҳам пул қистиришга келганларни бир ишора билан ортига қайтарди.

Камтарона ўтган ушбу тўйга ун беш нафар санъаткор келиб, ёшларни бирров табриклар кетиши. Лекин улардан бирортаси ҳам «қистир-қистирга йўл қўйишмади.

«Химматингизга бадли, санъаткорлар» дегимиз келди.

«Хурматли томошабилар! Фильмга ажратилган вақт ҳам ниҳоятгина етай, деб қолди.

Фильмнинг қолган ҳақиқий қисмларини эртага, яъни иккинчи апрелдан намойиш эта бошлаймиз.

Ашуралӣ Жўраев.

ниҳоят даражада ортиб бораётганининг шохиди бўлашмиш.

Узбеклар, қомаверса, бутун Туркистон аҳли серзавқ, табассумга мойил, кулгуга ўч ҳақдир.

Шунда беҳиётиёр Ҳофиз Шерозийнинг: Беш кунлик гул кабир бу умримиз муддати.

Бўмоқ керак гул каби ҳақдон лабу тоза рўй -- деб ёзган байтларида минг бир ҳикмат бисёр эканлигини аниқлаймиз.

Дарҳақиқат, тубдан янгилашни даврида анъаналарга таяниб иш тутиш ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз лозим.

Бу ўринда тарих синовларидан ўтиб, сайқаллашиб келаётган сатира жанридан, ўткир ҳажвийдан, юмордан асқин, қизиқчиликдан фойдаланмоғимиз даркор.

Шуларни ўйлаганимизда Хўжа Насриддин тисмои гавдаланади. Ҳатто го орада қавмдошларимиз турклар Анкара шаҳрига яқинроқ жойлашган Саврихисор деган шаҳарчага кираришда доно Хўжа Насриддинга ёдгорлик қайкали ўрнатди.

Аҳоли ривоятларига қараганда, Хўжа Насриддин шу манзилгоҳда туяган. Шунинг учун ҳам ҳозир бу ерда Хўжа Насриддин музейи қуришга тараддуу қурилмақда.

Хозир АҚШ да Кулгу (Геологика) институти, Болгариянинг Габрово шаҳрида Сатра ва Юмор музей-институтги, Боқкон томонларда Юмор Академияси ишлаб турибди.

Биз ҳам кўпдан бунён шу мавзуда тадқиқот ишларини олиб бориб, анча-мунча мерос тўпладик. Ҳамон муқтаки республикамиз учун ўзига хос бўлган имини-маърифий муассаса бўлмоғи, Кулгу академияси деб номланган катта бир марказни ташкил этиш тақдирини билдириляпти.

Айни етти ўлчаб, ўйлайдиган қуналарда ушбу тақдир ҳам эйтиборга лойик, деб ўйлаймиз.

Билал АМИНОВ, тарих фанлари номзоди.

"ВТВ" СТУДИЯСИ

МУСИҚА ИХЛОСМАНДАРИГА ХАЛҚИМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ХОНАНДАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

ЮЛДУЗ УСМОНОВА "ЁЛФИЗИГНАМ"

ДЕБ НОМЛАНГАН БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧ ВИДЕОАЛБОМИ ЁЗИЛГАН ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРГАН ВИДЕО КАССЕТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ.

Улгуржи ва чакана кўринишида ва аудио-видео тижоратида иш тажрибасига эга бўлган ташкилотлар ва ишбилармон кишиларни Ўзбекистон Республикасининг ийрик шаҳарларида аудио/видео кассеталарга, компакт дискаларга ёзилган лицензияли дастурларини тарқатиш учун

ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ.



Алоқа учун тел.: 45-60-76, 45-82-93, факс/тел.: 45-62-36.

ОБИ ҲАЁТ

Акциядорлик инвестиция компанияси

1997 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия баланси

Table with columns: АКТИВ, минг сўм, ПАССИВ, минг сўм. Lists assets and liabilities with values.

1997 йил якуни бўйича бир акцияга тўланадиган дивиденд миқдори - 485 сўм.

ТИНЕ'97

1997 йил 8-11 апрель кунлари

"Соғлиқни сақлаш-97"

Учинчи Халқаро тиббиёт кўرғазмасига сизларни лутфан таклиф этамиз.

Кўрғазмада жаҳондаги 100 дан ортиқ етакчи фирмаларнинг тиббий ускуналари, фармацевтика ҳамда косметика маҳсулотлари намойиш этилади.

Кўрғазмага ташриф буюриб, ишлаб чиқарувчи-фирмалар билан тўридан-тўри шартномалар тузишингиз мумкин.

Кўрғазманинг иш соатлари:

8 апрель - 14.00-18.00 10 апрель - 10.00-18.00 9 апрель - 10.00-18.00 11 апрель - 10.00-18.00

Бизнинг манзил:

Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107, "Ўзэкспомарказ" (собиқ ВДНХ).

Сизни кўрғазмада кўришдан гоят мамнун бўлаемиз!



МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР: Нариймат 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ ҳўжалиги 36-07-94; Иқтисодийёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Туғли муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25, Вестер-33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов. Навбатчи — Қ. Бойхон қизи. Мусоҳаҳ — Ш. Режапов.